Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 10 ОКТЯБРЬ, ЖУМА №80 (5.851). Сотувда эркин нархда

## Ислом КАРИМОВ:

# ИСЛОҲОТЛАР ҲАЁТНИ, ҲАЁТ ЭСА ТАФАККУРНИ ЎЗГАРТИРАДИ

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИШ – БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига кўра қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси ташкил қилинди. 7 октябрь куни мазкур комиссиянинг дастлабки йиғилиши бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ҳокимлари, уларнинг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қишлоқ хўжалиги бизнинг ҳаётимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари. Одамлар эҳтиёжини таъминлашда, барча соҳалардаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти беқиёсдир. Бу борада бир қанча ютуқларни қўлга киритганмиз, пахта ва ғалла мустақиллигига эгамиз. Бироқ шунга қарамасдан қишлоқдаги ислоҳотларнинг бориши бугунги кунда бизни қониқтира олмайди. Бу масалани ҳал этмай туриб эса, умумий ислоҳотларнинг келажаги ҳақида, тараққиётимиз ҳақида гапириб бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда комиссия олдига қўйиладиган вазифаларни, асосий мақсадларни қуйидагича белгилаш мумкин.

**Биринчидан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид қабул қилинган фармон, қонун, ҳукумат қарорлари, уларни бажариш юзасидан амалга оширилган тадбирлар бизни қониқтирадими, йўқми? Иккинчидан, агар улар бизни қониқтирмаса, қандай чоралар кўришимиз керак?**

Бу саволларга бирдан жавоб бериш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқ айтиш осон эмас, албатта. Бугунги мажлиснинг вазифаси эса юқорида тилга олинган масалаларни ҳал этишдаги асосий йўналишларни белгилаш, бу борадаги ғовларни аниқлаш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича хорижий давлатларда, ўзимизда тўпланган тажриба-ларни ўрганиб, деҳқон ва мутахассисларнинг фикрини билиб, муайян хулосалар чиқаришдан иборатдир.

Шу маънода Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолатига назар ташласак, қуйидаги манзарага дуч келамиз. Хўжалик юритишнинг асосий мезони – ҳосилдорликдир. Пахтачиликда у 1995 йили 26,4, 1996 йили эса 22,6 центнерни ташкил этди. Албатта қишлоқ хўжалигининг ривожига кўп омиллар, об-ҳавонинг қандай келиши, тупроқнинг ҳолати, сувнинг кўп ё кам бўлиши маълум даражада таъсир қилади. Буни эътироф этамиз. Лекин ўтган йили Андижон вилоятида ўртача 28,7, Бухорода 28,6, Сурхондарёда 31 центнердан ҳосил олингани ҳолда, бу кўрсаткич Жиззах вилоятида 12,6, Сирдарёда 14,2, Самарқандда 22,1 центнердан ошмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Ахир, гектаридан 12 центнер атрофида ҳосил олиш билан деҳқончилик қилиб бўладими?

Ғаллачиликда ҳам ана шундай манзарани кузатиш мумкин. Масалан, Андижонда вилоят бўйича 65,5 центнердан ғалла етиштирилди. Шу вилоятнинг Марҳамат тумани Қорабоев номидаги жамоа хўжалигида 87, Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигида 76,4 центнердан ҳосил олинган. Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги «Янгикент» жамоа хўжалигида эса 11,7, Самарқанд вилояти Гўзалкент тумани «Қурилиш» жамоа хўжалигида 8,7, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалигида бу рақам 18 центнерни ташкил этганлигини қандай изоҳласа бўлади? Ҳолбуки, ана шу вилоятларда ҳам 50-60 центнерга етказиб хирмон кўтарган хўжаликлар мавжуд.

Бу ерда гап суғориладиган, иқлим шароити деярли бир хил бўлган хўжаликлар ҳақида бормоқда. Шундай экан, бир-биридан катта фарқ қиладиган бундай кўрсаткичлар замирида нима бор, деган ҳақли савол туғилади, деди Ислом Каримов. Кузатишимизча, бу ҳолнинг сабаби қуйидагилардан иборат. Биринчидан, пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам уруғликни танлаш, саралаш, ўз вақтида экишга ҳамма жойда бирдек аҳамият берилмаяпти. Иккинчидан, агротехникага, ота-боболаримиздан қолган деҳқончилик қоидаларига амал қилиш керак. Шу ўринда бир мисол келтирай: ўтган йили ноябрь ойида Хоразмда далага челаклаб маҳаллий ўғит ташиб юрган деҳқонларни учратдим. Суриштирсам улар кузда экилган ғаллани совуқдан сақлаш учун шу ишни қилишаётган экан. Мана, бу йил бунинг натижасини ҳаммамиз кўрдик. Учинчи омил эса, деҳқончилик маданиятини юксалтиришдан иборатдир. Бунда ўз тажрибамизни, жаҳон тажрибасини ўрганиш кўзда тутилади. Маданиятли деҳқон пала-партиш иш қилмайди. Ерни қандай тайёрлаш керак, уруғни қачон экиш лозимлигини чуқур ўйлаб ҳал этади. Тўртинчидан, биз ишни том маънода ташкил этишни ўрганишимиз даркор. Деҳқонлар билан мулкий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, руҳини кўтариш, айниқса, улардан олинган ҳосилнинг пулини вақтида тўлаш масалаларини ҳал этиш шарт. Чунки, одамлар ўз меҳнати натижасини кўриши керак. Даромадни тақсимлашда сунъий тенглаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Яхши ишлаган ҳам, ёмон ишлаган ҳам бир хил ҳақ олса, меҳнатга иштиёқ сўнади. Бунда адолат тамойилларига қатъий амал қилиш лозим.

Юқорида тилга олинган масалаларни бир нуқтада бирлаштирадиган, барча омилларнинг негизи бўлган бош масала борки, – бу деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини қарор топтиришдир. Бошқача айтганда, деҳқоннинг ўзи ишлаб топган даромадга тўла эга бўлишини таъминлаш этишдир. Бизнинг барча ҳаракатларимиз, қабул қиладиган ҳужжатларимиз, деҳқонларга кўмаклашиши лозим бўлган барча банк, техника таъминоти, қайта ишлаш тармоқларининг бутун фаолияти ана шу бош масалани ҳал этишга қаратилиши лозим. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ҳал этмай туриб, уни янги, замонавий босқичга кўтариш қийин. Қишлоқ хўжалигини бундай даражага кўтармасдан туриб эса, бошқа соҳадаги ислоҳотларни ривожлантириб бўлмайди.

Таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кейинги йилларда амалга оширилган ишлар беиз кетгани йўқ, деди Президент. Энг муҳими одамларнинг мулкка, меҳнатга муносабати, дунёқараши, тафаккури ўзгара бошлади. Кўплаб изланувчан, ташаббускор, тадбиркор туман, деҳқон-фермер ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари ҳисоб-китоб ишларини тўғри ташкил этишни, даромад фаолиятнинг асосий мезони эканини англаб етдилар. Одамларни уйғота, ғурурини қўзғата олдилар. Масалан, Самарқанд вилоятидаги Пахтачи туманида кейинги икки йилда аҳвол мутлақо ўзгарди. Ҳозирги кунда мавжуд 14 хўжаликнинг бирортаси давлатдан қарз эмас. Аксинча, пахта заводлари улардан 650 миллион сўм қарздор.

Ҳолбуки, яқингинада бу ерда аҳвол мутлақо ўзгача эди.

Деҳқончилик борасидаги муаммолардан яна бири республикамизда уруғчилик масаласини тўла ҳал этилмаганидир. Уруғ танлаш илмий асосга қўйилиши керак. Олимлар, мавжуд институтлар ҳар бир туман, жамоа хўжаликлари бўйича қаерга қандай навли уруғ экилишини аниқлаб беришлари лозим.

Қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш учун тегишли қонунларга, ҳужжатларга қандай ўзгартишлар киритиш, солиқ тизимини такомиллаштириш масалаларида ҳам комиссия ўз тавсияларини бериши даркор. Бу борадаги энг муҳим масала – ер масаласидир. Уни баъзи қўшни давлатлардагидек, ҳаммага бўлиб бериб бўлмайди. Чунки деҳқончилик, айниқса пахтачилик жамоа бўлиб ишлашни талаб этади. Бундан ташқари ерни ҳақиқий деҳқонгагина бериш лозим. Ҳақиқий деҳқонни аниқлаш ҳам мураккаб масаладир. Ана шу ҳолатни инобатга олиб, деҳқончиликда оилавий пудрат шаклини қўллаш, ерга эгалик қилишда, даромадни тақсимлашда эса пайчилик усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Комиссия аъзолари етук мутахассис ва тажрибали деҳқонлардан, иқтидорли раҳбарлардан иборат. Улар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб фикр-мулоҳаза билдиришлари, бу билан ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қилишлари лозим. Бир вақтлар ҳатто сигирни қайси томондан соғишни билмайдиган одамларга ҳам фермалар сотиб юборилди. У бечора эса емни қаердан олишни, сутни кимга сотишни билмайди. Бу ҳолда чорва туёғи камайиб, маҳсулдорлик пасайиб кетмайдими? Бунга ким жавоб беради. Чорвачилик хусусийлашган экан, аввало бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий баҳолаш, ҳақиқий ферма эгаларига озуқа етиштириш учун керакли ерни ҳам ажратиб бериш шарт. Чунки улар бу борада хўжалик раҳбарларига тобе бўлмасин. Бу ишларни ҳаммасини қонуний йўлга қўйиш бугунги долзарб вазифадир..

Хуллас, қишлоқда ислоҳотларни янги босқичга кўтармас эканмиз, бошқа соҳаларда ҳам бу масалани ҳал этиш қийин кечади. Чунки қишлоқ хўжалигидаги ўзгариш – бутун ҳаётимизни ўзгартиради. Одамлар тафаккурини эса фақат ҳаётгина ўзгартира олади. Ўзбекистон аҳолисининг 65 фоизи қишлоқларда яшашини инобатга олсак, бу масаланинг маънавий томони, жамиятимиз тараққиётида ўрни янада яққол кўринади. Шундай экан, биз келажакни ўйлаб, ҳаётда ўзимиздан яхши из қолдиришни мақсад қилиб яшашимиз ва ишлашимиз даркор, дея таъкидлади Президент. Қайсики раҳбар ўз ишидан, ҳаётидан қониқиб, интилиш, изланишдан тўхтаса – у ерда тараққиёт бўлмайди.

Комиссия, аввало, олти йил мобайнида қабул қилинган қишлоқ хўжалигига оид фармон, қонун ва қарорларни танқидий назардан кўриб чиқиб, улардаги бугунги кун талабига мос келадиган жиҳатларни қолдириши, ишимизга тўсиқ бўладиган, халақит берадиган ҳужжатларни эса аниқлаши лозим. Иккинчидан, бугунги маррадан туриб эртанги тараққиёт йўлига назар ташлашимиз, янги қонун ва ҳужжатларни қабул қилишда қандай йўл тутишимизни белгилаб олишимиз зарур. Бу борада қишлоқ хўжалигидаги қуйи поғоналарга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Учинчидан, қонунларни қабул қилишда хусусий мулкнинг устуворлиги доимо диққат марказида турмоғи даркор. Муҳими ерни бўлиб ташлашга йўл қўйиб бўлмайди. Токи, ерни бўлиш одамлар орасини бузишга олиб келмасин. Бу халқимиз табиатига, маънавиятига мутлақо зиддир. Лекин, боя таъкидлаганимдек, пай орқали мулкка эгалик қилиш, даромад олиш, шартнома асосида ишлаш – мулкчилик муносабатларини янги босқичга кўтариш асосий вазифадир.

Яна бир гуруҳ эса 1998-2000 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича мукаммал дастурни ишлаб чиқиши лозим. Бунда қишлоқ хўжалигига оид — ер, ирригация, тупроқ билан боғлиқ барча масалаларга жавоб бўлиши керак. Бу дастур қишлоқ қиёфасини ўзгартиришга, қишлоқда саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга асос бўлади. Унда банк билан муносабатлар, бизнесни ривожлантириш, деҳқонларга давлат ёрдами масалалари ҳам акс этиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалиги хеч бир мамлакатда давлат кўмагисиз ривожлана олмайди. Биз бу борада деҳқонлардан ёрдамимизни аямаймиз.

Йиғилишда бу йилги пахта мавсумини вақтида якунлаш, келгуси йил ҳосили учун пухта замин хозирлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалик машиналари, дефолиантлар, бошқа кимёвий ўғитларнинг асосан ўзимизда ишлаб чиқариш зарурлиги таъкидланди. Кузги ғалла экишда уруғликни албатта дориланишига, унинг ерга етарли миқдорда тушишига эътибор бериш зарурлиги уқтирилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Муҳиддинов кун тартибига қўйилган масала юзасидан маъруза қилди.

Элликқалъа тумани ҳокими А. Тожиев, Пахтачи тумани ҳокими Б. Бердимуродов, Тахтакўпир туманидаги ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси О. Одилов, Қасби тумани Ш. Рашидов номидаги ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси А. Чориев, Марҳамат туманидаги «Шуҳрат» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Т. Нуриев, Жиззах туманидаги «Миршикор» деҳқон-фермер хўжалиги раиси А. Мамараҳимов, Чиноз туманидаги «Муқим» хусусий фермер хўжалиги бошлиғи М. Эрхўжаев, «Узагросуғурта» раиси Н. Юсупов, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда тўпланган тажриба, бу борадаги айрим муаммолар, бартараф этилиши лозим бўлган камчилик ва нуқсонлар хусусида тўхталдилар. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси фаолиятини ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мажлисда республика Бош вазири У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Мажлис раисининг ўринбосари Б. Бугров, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА)



**Уйчи туманидаги Н.Мўминов номли жамоа хўжалигининг пудратчилари Раънохон Ғайбуллаева, Баҳринисо Оппоқовалар ўзларига биркитилган пахта майдонидан гектарига 35 центнер ўрнига 38 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Айни чоғда улар ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун йиғим-теримни қизитгандан-қизитишмоқда.**

**СУРАТДА: Раънохон Ғайбуллаева (чапда) ва Баҳринисо Оппоқовалар оқ олтин теримида.**

**Аҳмадали ЮСУФБОЕВ олган сурат.**

## ХИРМОНГА БАРАКА

### РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1997 ЙИЛ 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

( фоиз ҳисобида)

| Вилоятлар | Бир кунда | Мавсум бошидан буён |
|---|---|---|
| Хоразм | 1,37 | 97,78 |
| Андижон | 1,34 | 88,05 |
| Фарғона | 1,28 | 73,04 |
| Қашқадарё | 0,67 | 71,50 |
| Сурхондарё | 1,10 | 67,64 |
| Самарқанд | 0,68 | 67,22 |
| Наманган | 1,54 | 67,09 |
| Бухоро | 1,53 | 62,00 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,40 | 61,51 |
| Навоий | 1,13 | 55,90 |
| Тошкент | 0,05 | 46,77 |
| Сирдарё | 0,51 | 44,16 |
| Жиззах | 1,00 | 37,79 |
| Республика бўйича | 1,05 | 65,57 |
| 1996 йилда | 1,31 | 56,74 |

### ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

(тонна ҳисобида)

| | | |
|---|---|---|
| Сурхондарё | 1266 | 55099 |
| Қашқадарё | 83 | 6542 |
| Республика бўйича | 1349 | 61741 |
| 1996 йилда | 1472 | 34160 |

# МАТБУОТ — ҲАҚИҚАТ КЎЗГУСИ

### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Маркс ЖУМАНИЁЗОВ билан мулоқот

**— Маркс оға, минг йилларки, халқимиз «қиш ғамини ёзда е» деган нақлга амал қилиб келади. Мана бугун далаларимизда меҳнат шукуҳи: деҳқонларимиз зўр ғайрат билан эл дастурхонини тўкин, устини бут қилиш нияти-ла тонгни тунга, тунни тонгга уламоқдалар. Шундай қизғин паллада биз Сизни обуна юзасидан суҳбатга тортсак...**

— Мен буни табиий ҳол деб тушунаман. Чунки ҳар қандай муаммо — у каттами-кичикми, жойида ва ўз вақтида ечимини топгани маъқул. Қолаверса, обуна мавсуми ҳам ўзига хос йиғим-терим; тонгни тунга улаб қилинган машаққатли меҳнат — газета саҳифаларини тўлдирган ранг-баранг жанрлардаги ижод маҳсулига бериладиган баҳодир. Истайманки, бу баҳо холис бўлсин, муносиб бўлсин; мукофоти арзигулик ва эсда қоларлик бўлсин.

**— Очиғига кўчадиган бўлсак, обуна мавсуми қишлоқ аҳли учун андак ноқулай паллага тўғри келади. Сабаби, йиғим-терим айни авжига чиққан, деҳқон бир даласига, бири осмонга қараб жонсарак бўлган бир пайтда бошланади у...**

— Ўйлашимча, обуна мавсумининг кузда бўлиши бир томондан яхши ҳам. Чунки обунанинг бориши хўжалик ва ташкилотларнинг, корхона ва идораларнинг сармояси бор ёки йўқлигига бевосита боғлиқ. Куз эса, маълумки, йил бўйи қилинган меҳнат юзага чиқиб, ҳосил йиғиштириб олинадиган ва элга тортиқ қилинган неъматлар эвазига хўжаликлар ғазнаси тўладиган фаслдир. Демакки, ўзининг беғараз ва беминнат кўмакчиси, яқин дўсти ва маслаҳатгўйи, шодлик кунларида ҳам, муаммоли онларида ҳам деҳқонга камарбаста бўлган касб эгаларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўз бурчи деб билган кишилар учун айни фурсатдир. Муҳими, хоҳиш бўлсин.

Ахир бундоқ ўйлаб қаралса, меҳнат аҳлининг истакларию армонларини, интилиш ва зафарларини тўлиб-тошиб қаламга оладиган, қаҳратон қишда ҳам, жазирама саратонда ҳам чўлу биёбон кезиб, узоқ-яқин демай сафарга отланиб, бир пиёла чой устида эски қадрдонлардек очилиб-сочилиб суҳбат қуриб, ён-дафтарини зарур рақамлару фикр-мулоҳазаларга тўлдириб, қулоч-қулоч мақолалари билан қишлоқ ҳаётини рўй-рост ёритадиган шу мухбирлар, шу газета ходимлари эмасми?

«Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда», — деган эди Президентимиз Ислом Каримов матбуот куни муносабати билан йўллаган табрикномасида.

Шундай экан, нега энди биз таҳририят ташвишларига шерик бўлмаслигимиз керак? Биз бу ҳақда вазирлик коллегиясида атрофлича фикрлашиб олдик.

**— Ўзбекистонда дала юмушлари билан билвосита ва бевосита шуғулланувчилар ишга яроқли аҳолининг 60-70 фоизини ташкил этади. Агар эллик кишидан бириси обуна бўлганда ҳам жуда катта рақамлар юзага чиқади.**

— «Қишлоқ ҳаёти» — вазирлигимизнинг бош нашри. Таъбир жоиз бўлса, вазирликнинг қўл-оёғи, қишлоқларимиз ойнаи жаҳони. Менимча, муносабат ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Масала ечими кўп жиҳатдан ишбошиларимизнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Ўйлайманки, фермерлар ва ишбилармонлар ҳам четда қолишмайди. Бир сўз билан айтганда, улар обунага бўлган муносабатлари билан қанчалар олисни кўзлаб иш юритувчи замонавий раҳбар эканликларини ҳам исботлайдилар.

**— Кўпинча таҳририятимизга газета сўраб келиб, «Қишлоқ ҳаёти»нинг газета дўконларига жуда оз миқдорда тарқатилишидан нолиб гапиришади...**

— Сиз ҳақсиз. Менимча, бу масалага ҳам жиддий ёндашиш даркор. Чунки газета дўконлари муштарийлар учун энг қулай харид шоҳобчасидир. Афсуски, нафақат Тошкент шаҳрида, вилоят ва туман марказларида ҳам бу муаммо етарли даражада ечимини топмаган. Бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган катта-катта ҳудудлар мавжуд.

Биз ислоҳотларни изчил амалга оширш борасида матбуотга берилган ўринни асло унутмаслигимиз жоиз. Келажаги буюк давлат барпо этишга қаратилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини бойитиш каби хайрли ишларда матбуот кўрсатаётган хизматлар беқиёсдир. Зеро, «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг ўз ўрни бўлиши ва у дала меҳнаткашларига мунтазам равишда етиб боришидан ҳаммадан кўра биз — вазирлик манфаатдормиз. Истиқлол ва янгича ижтимоий муносабатлар газетада яна ҳам тўлақонли ёритилиши зарур. Замондан ортда қолишга эса хеч биримизнинг ҳаққимиз йўқдир.

Ҳар ким бошига ёққан қорни ўзи курайди. Шундай экан, мен барча қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, хўжалик ва қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари, ўзини ўз ишининг фидойилари деб билган барчани муҳим иш — обуна мавсумини ҳам муваффақиятли ўтказишда фаол бўлишга даъват этаман. Шубҳа йўқки, бизларнинг бугунги якдиллигимиз ва олдимизда турган юмушларга уюшқоқлик билан ёндошувимиз албатта ўз самарасини беради.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин РИХСИЕВ.**

### «КЕЙС» БАРАКАСИ

**Навоий вилояти далаларида Американинг «Кейс» фирмасида ишлаб чиқарилган «Кейс-2022» маркали пахта териш комбайнлари жавлон урмоқда. Вилоятга келтирилган иккита шундай машина Хатирчи туманидаги «Зарафшон» ҳамда Навоий туманидаги «Нарпай» жамоа хўжаликлари пахтазорларида унумли ишлаётир. Уларнинг ҳар бири билан кунига 18-20 тоннагача оқ олтин йиғиштириб олиняпти.**

### ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

**Қумқўрғон туманида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалиги аъзолари чигитни плёнка остига экиб ҳосил етиштириш ғоят самарали эканига ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилдилар. Улар мавжуд экин майдонларининг ярмида, яъни 420 гектар ерда ана шу усулда пахта етиштирдилар. Далаларда ҳосил эрта пишиб етилди.**

**Янгилик шарофати билан бу йил илк бор 3 минг 160 тонналик хирмон уйилди, ҳосилдорлик 31,1 центнерга етди. Далада ҳали ҳосил мўл. Бешқаҳрамонликлар яна минг тонна оқ олтин йиғиштириб олиш ниятида меҳнат қилишмоқда.**

**(ЎзА).**

